

Xabar

40
(994)-son

7-oktabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

9 октябрь — Бутунжахон почта куни

6800 ТИЛДА сўзлаша оламиз



Бутунжахон почта куни - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимида кенг нишонланадиган халқаро байрамлардан бири ҳисобланади.

Бутунжахон почта иттифоқи 1874 йил 9 октябрда ташкил қилинган, унинг таркибига 191 мамлакат қиради.

Ўзбекистон 1994 йилнинг 24 феввалида ана шу нуфузли ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб қирган.

Маълумотларга кўра, жаҳон почта бозорида ёзувли хат-хабарлар сегменти 450 млрд. почта жўнатмаларини ташкил этади, булардан 440 млрд. ички ва 10 млрд. халқаро жўнатмалардир. Ушбу бозорда почта жўнатмалари сегменти 5 млрд.ни ташкил этади.

3-бет

Сўнгги янгилик!



Алоқа оламида:

Токио (Япония)да ўтаётган СЕАТЕС келажак технологиялари кўргазмасида япон ишлаб чиқарувчилари юқори ўлчамли (4Кх2К) тасвирни кўрсатувчи телевизорларни намоиш этишди. Бу амалдаги стандарт HD телевизорлардан тўрт баравар юқори кўрсаткичдир.

Кўргазма стендларида Toshiba (Regza, 55 дюйм, 3840х2160 пиксел) ва Sharp (60 дюйм, 4К) компаниялари ўз телевизорларини тақдим этган бўлса, Sony компанияси жаҳондаги биринчи 4К: 4096х2160 ўлчамли проекторни намоишга қўйди.

Ушбу сонда:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида учрашувлар	2
АКТ ҳафталиги: якун ва мулоҳазалар	4-5
Внимание руководителям хозяйствующих субъектов!	6
Қаранг, замонавий почтачи келяпти	11
Азизим, пулжон	16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Диққат, мамлакатимизда газета ва журналларга 2012 йил учун обуна давом этмоқда
«Xabar» — сизнинг газетангиз. Обуна бўлишга шошилинг!



Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 30 сентябр кuni Наманган ва Андижон вилоятларида бўлди. Давлатимиз раҳбарининг Наманган ва Андижон вилоятларига сафари меҳнаткашлар билан учрашув ва суҳбатларга бой бўлди. Мулоқотларда истиқлол йилларида мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси, одамларимизнинг турмуш тарзи, дунёқарashi, онг ва тафаккури тубдан ўзгаргани мамнуният билан таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 октябр кuni Оқсаройда Ветнам Социалистик Республикаси Бош вазири Нгуен Тан Зунгни қабул қилди. Томонлар атрофлича ва очиқ фикр алмашув чоғида ўзларини қизиқтирган кенг кўламли масалаларни муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Фанлар академиясида "Президент Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китоби ва мамлакатимиз янги тарихини яратишнинг долзарб вазифалари" мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Конференция ишида ижтимоий-гуманитар фанлар, таълим ва тарбия соҳасида фаолият кўрсатаётган таниқли олимлар, педагоглар, маданият, адабиёт ва санъат намояндalари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, кенг зиёлилар жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда 1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni кенг нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра, таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнaк кўрсатган ходимлардан бир гуруҳига давлатимизнинг юксак мукофотлари берилди. 30 сентябр кuni "Туркистон" саройида умумхалқ байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди. Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерт дастури намойиш қилинди.

Матбуотда "Жиноят иштини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни чоп этилди.

Мамлакатимизнинг Ҳиндистон ҳамда Мисрдаги дипломатия ваколатхоналарида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан тантанали қабул маросимлари бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларда Ҳиндистон ва Мисрнинг сиёсий, жамоатчилиги ва ишбилармон доиралари, вазирлик ва идоралари, етакчи ОАВ вакиллари ҳамда дипломатик миссиялар раҳбарлари иштирок этишди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида учрашувлар

Шу йилнинг 3 октябр санасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида Ветнам алоқа ва ахборотлаштириш вазири Нгуен Бак Сон бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.



Учрашувда меҳмонларга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг аҳволи ва ривожланиш истиқболлари, республикада телекоммуникация ва ахборот технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Ўз навбатида, жаноб Нгуен Бак Сон Ўзбекистон томонини Ветнам алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг асосий кўрсаткичлари билан таништирди.

Мулоқот чоғида икки томонни ҳам қизиқтирган телекоммуникация соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари юзасидан фикр алмашилди. Музокаралар якунида томонлар келгуси алоқаларни қўллаб-қувватлаш ва ўзаро салоҳиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳамкорлик имкониятларини кўриб чиқишга келишиб олишди.

Учрашувда, шунингдек, Ветнамнинг телекоммуникация ва мобил алоқа соҳасидаги энг йирик компанияларидан бири — "Viettel" вакиллари ҳам иштирок этишди.

Шу кuni Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавкулотда ва Мухтор элчиси Анукул Гитеш Шарма ҳам ташриф буюрди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 17-19 май кунлари Ҳиндистонга ташрифи ахборот технологиялари соҳасида ҳам ўзбек-ҳинд ҳамкорлигини янада кенгайтирганини томонлар қайд этишди.

Мулоқот давомида ахборот технологиялари, жумладан, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш йўналишидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи, уни ривожлантириш юзасидан келгуси режалар ҳақида фикрлар алмашилди. Томонлар АКТ соҳасида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлигини ҳамда бу йўлда бор имкониятларни ишга солишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Аси.уз

Сугуртачилар музокара олиб боришди

Шаҳрисабз туманидаги "Мироқи" санаторийсида TVI express (дунё бўйлаб саёҳат) компаниясининг Ўзбекистон ва Қозғистондаги вакиллари иштирокида конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда халқаро туризм бўйича янгиликлар ва имкониятлар юзасидан маърузалар тингланди. Унда "Алском" сугурта компанияси Қашқадарё филиалининг "Хумо" бўлими менежерлари иштирок этиб, Ўзбекистонда яратилган сугурта имкониятлари ҳақида маълумот беришди, ўзаро ҳамкорлик битими тузиш бўйича музокаралар олиб боришди.

Ўзбекистон фуқароларининг чет элдаги саёҳат ва курортли зоналарда дам олишлари келгусида "Алском" сугурта компанияси томонидан қўллаб-қувватланиши ҳақида сўз борди. Шунингдек, конференция иштирокчиларига ҳуқуқшунослар 2004 йил 29 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонуни моҳияти тўғрисида тушунча бердилар.

Моҳира ҒАНИЕВА,
"Алском" сугурта компанияси Қашқадарё филиалининг "Хумо" бўлими бошлиғи

Эътибор ва рағбат

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — истиқлолимизнинг 20 йиллиги шодиёнасида менинг камтарин фаолиятим юксак баҳоланиб, "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланганим қалбимда фахр туйғусини уйғотди.

Бу аслида, мамлакатимизда мустақиллик йилларида фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотларнинг яна бир ёрқин далилидир.

Албатта, ҳар бир инсон ўзи севган соҳада фаолият олиб борар экан, меҳнатлари самарасини кўришни истаيدди. Ўз имкониятларини тўғри танлай олган ва унга етишни йўллари билан инсон чинакамига бахтли бўлади.

Шунингдек, уруш қатнашчилари ва уруш ортида меҳнат қилган фахрийларни, ногиронларни эъзозлаш, уларга маънавий ёрдам кўрсатишдаги, ёшларни Ватанга, истиқлол ишига садоқат руҳида тарбиялаш соҳасида қўшган ҳиссам ва фаол иштироким учун Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси марказий кенгашининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғаси билан тақдирландим.

Эътибор ва рағбат инсонни янги-янги марраларни забт этишга, ютуқларни қўлга киритишга ундайди. Айни жиҳатни инобатга олиб, келгусида ўзимга билдирилган ишонччи оқлашни жуда-жуда истардим.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
Марғилон шаҳар "Йўрмадўз" маҳалласи "Нуроний" жамоатчилиги маркази раиси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)


Почтанинг ташкил этилиши ва ривожланиши асрларга тенг. Давлатлар ўртасида савдо-сотиқ ва бошқа алоқалар билан бир қаторда, ахборот алмашинуви йўлга қўйиш зарурати туғилган. Шу тахлит юзага келган почта шаклланиш жараёнини бошдан кечиргач, тўлақонли хизмат сифатида фаолият бошлади. Аммо, ҳар бир давлат почта етказишда ўз талабларини илгари сураб, бу эса хат-хабарларни етказиб беришда муаммолар туғдирарди. Ҳақиқатда бу муаммоларни тартибга солидиган ягона халқаро почта ташкилотини тузиш зарурати пайдо бўлди.

1874 йилнинг 9 октябрида Швейцарияда 22 мамлакат вакиллари умумий почта шартномасини имзолашди. 1878 йилнинг биринчи майида иккинчи конгресс ўтказилди ва унда почта иттифоқининг номи ўзгартирилди. Шундай қилиб, у "умумий" эмас, Бутунжаҳон почта иттифоқи (БПИ) дея юритила бошланди. Унга аъзо мамлакатлар сони ҳам тобора ошиб борди. Бугунги кунда халқаро почта ўз мижозларининг 6800 тилида гаплаша олади. 191 аъзо мамлакатни жамлаган БПИ эса дунёдаги энг йирик тармоққа айланди. Ушбу аъзо мамлакатлар орасида Ўзбекистон ҳам бор.

БПИ вазифалари

Бутунжаҳон почта иттифоқининг вазифалари қуйидагилардан иборат:
— Бутунжаҳон почта конвенцияси ва қўшимча келишувлар ёрдамида ягона шаклдаги халқаро почта алоқаларини йўлга қўйиш ва халқаро почта

6800 тилда сўзлаша оламиз



RENÉ DE SAINT-MARCEAUX

FRANCE

алмашинувларини енгиллаштириш.
— Иттифоқ аъзо-давлатларининг почта соҳасидаги ҳамкорлигини ташкил этиш.
— Халқаро почта алоқаси учун тарифларни ўрнатиш.
— Иттифоқ аъзолари ўртасидаги баҳсли масалаларни тартибга солиш.

БПИ ёдгорлиги

Бутунжаҳон почта иттифоқи шарифига Бернда ёдгорлик барпо этилган. 1902 йили халқаро танлов эълон қили-

ниб, 122та эскиз қабул қилинди. Ҳайкалтарошларга ёдгорликни тайёрлаш, хом ашё борасида эркинлик берилганди. Ҳайъат келиб тушган эскизлардан олтитасида тўхталди ва уларнинг муаллифларига ўз асарларини батафсилроқ тайёрлаб бериш вазифаси юклатилди. Танловнинг иккинчи босқичида франциялик ҳайкалтарош Рене де Сен-Марсо голиб деб топилди.

Ёдгорлик булутлар орасидаги ер шари шаклида тасвирланган. Ер шарини беш нафар аёл тасвиридаги ҳайкаллар қуршаб олган.

Ҳамкорлик алоқалари

Республикамиз ушбу иттифоқ доирасида қўлаб мамлакатлар почта тизимлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ дунёнинг 92 мамлакати билан почта жўнатмаларини айирбошлаш тизимини йўлга қўйди. Россия, АҚШ, Германия, Украина, Қозоғистон, Туркия, Корея Республикаси почта тизимлари бу ҳамкорликда салмоқли ўрин тутди.

Ўзбекистон почта мутахассислари 2004-2010 йилларга мўлжалланган учта лойиҳасини БПИ қошидаги Алоқа хизматларини ривожлантириш фонди эътиборига ҳавола этган эди. Улардан иккитаси бугун амалиётга тўла татбиқ этилди. Учинчи лойиҳа ҳам ишлаб чиқаришга жорий этилиш арафасида.

2010 йили Бернда Бутунжаҳон почта иттифоқи томонидан ташкил қилинган сифат хизматини яхшилаш Фонди Қўмак кенгашининг қарорига асосан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖда республика ички магистрал автомобил йўналишида хат-хабарлар ўтишини яхшилаш лойиҳаси энг яхши татбиқ этилгани учун жамият мукофотланган.

Бутунжаҳон почта куни халқаро байрам сифатида бутун дунё бўйлаб кенг нишонланади. Байрам муносабати билан барча почта ходимларини табриклаймиз.




Express Mail Service
UZBEKISTAN

Асфларга тенгдош почта хизмати бурун ҳам инсонлар ўртасида алоқа ўрнатувчи энг самарали ва эҳтиёжли соҳа бўлиб келмоқда. Замонавий почта ривожланишида давом этяпти ва ўз фаолиятида энг сўғи ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўлламоқда. Демак, хизмат тезлиги, сифати ва нишонлилиги янада ортияпти.

Почта соҳаси ходимлари 9 октябрь — Бутунжаҳон почта кунини кенг нишонлашади.

Ушбу сана муносабати билан почта соҳасида фаолият олиб бораётган барча юртдошларимизни табриклаймиз. Сизга бахт-саодат, сўҳбат-саломатлик, шарафли ишларинида яннидан-яни зафарлар тилаймиз!



"EMS-FALCON" МЧЖ жамоаси



АКТ ҳафталиги:

Анъанавий Миллий саммитда кўтарилган мавзулар, қилинган маъруза ва ўзаро фикр алмашишлардан келиб чиқиб, соҳа ривожига хизмат қилувчи резолюция қабул қилинди.

ICTExpo анъанавий кўргазмаси эса ҳар доим АКТ ҳафталигининг энг эътиборли тадбири бўлиб келган. Унга қизиқш йилдан-йилга тобора ортиб бормоқда. Кўргазма анъанасига мувофиқ, бу йил Тошкент шаҳри билан бир вақтнинг ўзида Бухоро ва Фарғона шаҳарлари ҳам нуфузли тадбирга мезбонлик қилишди.

Бу йил Тошкентдаги кўргазмалар саройида 1400 кв.метр майдонда 120дан ортиқ компания ва ташкилотлар ўз экспозиция ва стендларини ташкил этиб, маҳсулот ҳамда хизматларини намойиш қилдилар. Бухоро ва Фарғонадаги кўргазма заллари эса жами 70дан ортиқ иштирокчиларни бир жойда тўплади.

Жорий йилги кўргазма асосий иштирокчиларини ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритиб келаётган хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этгани алоҳида эътиборга молик ҳолат бўлди.

Кўргазма ташкил этила бошлангандан буён унда намойиш этиб келинган

янги технологиялар, инновацион ечим ва лойиҳалар Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоқларида, умуман, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Бу соҳанинг ривожланиш кўрсаткичларида ўз аксини толмоқда.

Ҳозирги кунда бутун дунёда ахборот-коммуникация технологиялари иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим воситасига айланиб улгурган. Айнан ушбу йўналиш жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқлик касб этади. Шу сабабли ҳам ICTExpo каби ахборот технологиялари йўналишидаги кенг кўламли кўргазмаларнинг ташкил этилиши, нафақат ушбу соҳа, балки кўплаб тармоқ ва йўналишларнинг ривожига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Хуллас, кўргазма аввалгилари каби жуда самарали ўтди. Унинг кўмагида маҳаллий ва хорижий компаниялар ўртасидаги ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланди. Кўргазмада намойиш этилган истиқболли инновацион ечим ва лойиҳалар тез орада амалиётга татбиқ этилиб, аҳолининг юқори технологиялар йўналишидаги эҳтиёжларини қондиришига хизмат қилиши муқаррар.

ТОШКЕНТ шаҳрида ташкил этилган ICTExpo 2011 кўргазмаси якунида энг яхши қатнашчиларга махсус дипломлар топширилди.

Номинациялар:

"Стенднинг энг яхши дизайни учун" — NVISION GROUP

"Энг яхши инновацион стенд" — UzDigital TV

"Стенднинг энг яхши техник жиҳозлаш" — UZTELECOM

"Стенднинг энг яхши ахборот таъминоти учун" — UZINFOCOM

"Энг кўп ташриф буюриладиган стенд" — Ucell

"Ёшлар танлови" — SUPER IMAX

"Энг яхши реклама кампанияси учун" — MTS-Uzbekistan

"Стенд ходимларининг энг яхши иши учун" — TELESAT ALFA

"Ташриф буюрувчиларнинг эътиборига сазовор бўлганлик учун соврин" — BEELINE

"Энг яхши миллий инновацион ишлаб чиқарувчи" — BISOFIT MULTIMEDIA

"Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги инновацион ечимлар учун" — "Лаборатория Касперского".

UCG SHOCK AUTUMN 2011

30 сентябр куні ICTExpo 2011 миллий кўргазмаси бош сахнасида компьютер ўйинлари бўйича кузги Ўзбекистон чемпионати ғолиблари аниқланди.

Counter-Strike 1.6 ўйини бўйича:

- 1-ўрин: Storm жамоаси.
- 2-ўрин: Firenation жамоаси.
- 3-ўрин: miuz жамоаси.

DotA Allstars:

- 1-ўрин: PVR жамоаси.
- 2-ўрин: WATCH жамоаси.
- 3-ўрин: iPOWER жамоаси.

NFS Most Wanted:

- 1-ўрин: Александр Павлов
- 2-ўрин: Кирилл Елхимов
- 3-ўрин: Артур Гулямов

FIFA 2011:

- 1-ўрин: Кирилл Туляганов
- 2-ўрин: Сервер Керимов
- 3-ўрин: Петр Капитонов

INTERVYU

АКТ ҳафталиги доирасида Тошкент ахборот технологиялари университетиде ИТРА 2011 халқаро анжумани бўлиб ўтди. Унда АКТ соҳасининг Осиё тибқида ривожланиши борасидаги муаммолар эксперт ва мутахассислар тамонидан муҳокама қилинди. Анжуман аҳамияти ҳақида ТАТУ қошидаги Ўзбек — Корея маркази директори жаноб Ким Сунг Су фикри билан қизиқдик.



— Ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси Ўзбекистонда тез ривожланиб бораётган соҳалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда АКТдан жамиятнинг барча соҳаларида кенг фойдаланилмоқда. Мен Корея Миллий тадқиқот жамғармаси аъзосиман, ТАТУ қошидаги Ўзбек — Корея ахборот технологиялари марказида 2005 йилдан бери фаолият юритиб келаман. Шу ўтган йиллар мобайнида университетда ташкил этилиб келинаётган ИТРА халқаро анжуманида мунтазам қатнашиб келаман. Мазкур тадбирларда ТАТУ ва Корея университетлари профессорлари ва мутахассислари АКТ соҳасидаги янгиликларни кенг муҳокама қилишади. Бу, ўз навбатида, ТАТУнинг Жанубий Корея олийгоҳлари билан алоқаларини ривожлантирмоқда. Натижада Ўзбекистонда соҳанинг доимий тараққиёти этишига катта ҳисса қўиувчи кадрлар тайёрлаш масаласига салмоқли ҳисса қўшилмоқда.

Биз ИТРА 2011 анжуманига жўнатилган бир қанча илмий мақолаларни таҳлил қилиш жараёнида шунга амин бўлдикки, мамлакатингизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига бўлган қизиқиш ва уни ривожлантиришга қаратилган илмий ишлар яхши олиб борилмоқда. Ўзбекистонда бир неча йиллардан бери фаолият юритиб келаётган олим сифатида мен ҳам ҳозирги кунда "Нутқ сигналларини аниқлашда белгилар фазосини тадқиқ қилиш ҳамда математик ва дастурий таъминотини яратиш" дастури бўйича илмий иш олиб бораётган ва бу илмий иш бўйича баъзи натижаларга эришдим. Бу дастурий ечимдан нутқни аниқлаш автоматик тизимларида, масалан, автомобил навигация, коммуникация, банк қўриқлаш, авиация ва бошқа тизимларда фойдаланиш мумкин. Ишлаб чиқилган дастур ўзбек тили овозига мосланган бўлиб, овозни аниқлаш дастури учун олиб борилган тажрибалар шунини кўрсатдики, ўзбекларнинг овозини аниқлаш даражаси 98,33 фоизни ташкил қилди. Чет элликлар овозини аниқлаш эса 76,5 фоиз кўрсаткични қайд этди. Ҳозирги кунда Ўзбек — Корея марказида илмий фаолият кўрсатаятган профессор Ин Жеонг Лее Ўзбекистонда Интеллектуал транспорт тармоғи устида тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

EAST TELECOM — яқин кўмакчим

Мактабимиз корейс тилини ўрганишга ихтисослашганлиги боис, корейликларнинг яшаш тарзи, урф-одатлари, анъаналарини чуқурроқ билиб олиш, умуман, бу давлатда рўй бераётган янгилик ва воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида хабардор бўлиш ва буларни ўқувчиларимга сўзлаб бериш мақсадида интернет материалларига тез-тез мурожаат қиламан. Бу борада менга Бухорода етти йилдан бери фаолият кўрсатаётган East Telecom яқиндан ёрдам берапти. Унинг телефония, видеотелефон, видеоконференцалоқа, каналлар ижараси, виртуал хусусий тармоқлар сингари хизмат турлари ҳам кўпчиликка яхши маълум. Айнан шу нарса ICTExpo 2011 кўргазмасида яна бир марта эътироф этилганлиги нур устига нур бўлди.

Бундан кейин ҳам East Telecomнинг интернет хизматидан кенг фойдаланиб, корейс тили дарсини замонавий педагогик технологиялар асосида ўтказиш асосий вазифам бўлиб қолаверади.

Меҳринисо ҲАИТОВА,

Бухородаги 19-умумтаълим мактаби ўқитувчиси



якун ва мулоҳазалар



ФАРФОНАда ICTExpo 2011 Ахборот технологиялари анъанавий миллий кўргазмасининг илк маротаба ўтказилганлиги вилоят аҳолиси, айниқса, олий ўқув юртлири талабалари, коллежлар ўқувчилари ҳаётида унутилмас воқеа бўлди.

Унутилмас кунлар сурури

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиалининг юқори тезликдаги интернет хизматларига, ADSL модемлари, UZMOBILE алоқа хизматлари, CDMA 450 стандартдаги стационар ва мобил телефон аппаратларига, SET-TOP-BOX тизимларига қизиқиш катта бўлди.

Тошкент шаҳридаги WEBSUM корхонаси реклама маҳсулотлари, New Max корхонаси Maxtrack GPS мониторинг тизими ва туркум трекерлари, Sen Soft корхонаси эса дастурий таъминотлар ва тарқатма материаллар билан иштирок этди.

Интернет провайдерлик, веб-саҳифалар яратиш хизматлари, Е-ХУЖЖАТ, "Фиксатор" дастурий таъминот маҳсулотлари, локал тармоқ қуриш, лойиҳалаш хизматларини Фарғона вилоят ҳокимлиги компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш маркази намойиш қилди.

ТАТУ Фарғона филиали оптик толали алоқа тизимларида ахборотни ҳимоялаш қурилмаси, заиф эшитувчи ва заиф кўрувчилар учун матн таржимаси дастури, билим бериш ва билимни баҳолаш тизими иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали стенди соҳда АКТ нақдлар кенг қўланилаётганлигини кўрсатди. Қатнашчиларга, айниқса, рўйхатта олинувчи почта жўнатмаларини назорат қилиш тизимлари маълум бўлди. Маргилон ТВ кўргазмасидаги замонавий тасвирга олиш, монтаж қилиш ускуналарига ҳам иштирокчиларнинг қизиқиши кучли бўлди.

— Бир сўз билан айтганда, 5700 нафардан зиёд иштирокчилар, (65 фоизи талаба ва ўқувчи ёшлар) 24та корхона кўргазмаларини зўр мамнуният билан томоша қилиб, бир олам баҳра олдилар, десак асло муболага бўлмайди, — дейди ЎЗААА Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси етакчи мутахассиси Абдувоҳид Жўраев. — Кўргазмага келганлар интернет хизматлари, "Биллион" компьютер дастури тизими, дўкон аптекаларида штрих-код орқали савдони ташкил қилиш, IT-консалтинг, IT-аутсорсинг, веб-сайтлар яратиш ва хостинг, тармоқ ус-

куналарини ўрнатиш ва сошлаш хизматлари, ADSL модемлари, картрижлар учун бўёқлар, "Jetbook" ва "Jetbook Light" букридерлари, электрон таржимон — "Партнёр-Р900", антивирус ҳамда бухгалтерга электрон мадал дастурлари, ниҳоятда бой тарқатма материаллар билан танишдилар, АКТ йўналишидаги сўнгги янгиликлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотларга эга бўлдилар. 250тадан ортиқ шартномалар имзоланди. Салкам 500та шартнома тузишга келишиб олинди. Мухтасар қилиб айтганда, кўргазма юксак савияда ўтди. Тошкент, Бухоро ва Фарғона кўргазмалари ўртасида веб-трансляциянинг амалга оширилиши, бир вақтнинг ўзига бошқа кўргазмалар билан танишиш имконияти яратилганлиги диққатга сазовор бўлди. Турган гапки, бу анъанавий миллий кўргазма аҳамиятни янада оширди.

Кўргазмада номинациялар ғолиблари аниқлангани ҳам катта аҳамият касб этди. "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали "Стенднинг энг яхши ахборот таъминоти учун", "Ўздунробита"нинг Фарғона филиали "Энг кўп ташриф буюрилган стенд", "Micros New Tech" корхонаси "Стенднинг энг яхши техник жиҳозлангани учун", "Coscom"нинг Фарғона филиали эса "Стенднинг энг яхши дизайни учун", "Ўзбектелеком" АК Бизнесни бошқариш маркази вилоят бўлими "Стенд ходимларининг энг яхши иши учун" номинациялари бўйича ғолиб деб топилдилар.

Бундан ташқари, ёш йигит-қизлар қатнашган висторина ва танловларда ғолиблар брендланган маҳсулотлар билан тақдирландилар.

Хўш, ёшлар кўргазмадан қандай хулосалар ясадилар? Суҳбатлардан маълум бўлдики, ҳамон ўша кунлар сурури билан яшамокдалар. Айримлари ўз олдига қатор режаларни белгилаб олишган. Қанчадан-қанча янги туғилган ғоялар уларга тинчлик бермайд.

Инсонлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга, турмуш фаровонлигини кўтаришга хизмат қилувчи бундай талбирлар тез-тез ўтказиб турилса, аини муддого бўларди.

INTERVYU

Бой таассурот олдим

Бухорога хизмат сафарим ICTExpo 2011 кўргазмасининг очилиши билан бир кунга тўғри келгандан хурсандман. Бу ерда мен чиндан-да катта таассуротга эга бўлдим. Айниқса, тадбир ташкилотчиларининг савй-ҳаракати билан вилоятда фаолият кўрсатаётган бир қатор алоқа корхоналари, мобил алоқа операторлари ва бошқа муассасалар маҳсулотлари ва хизмат турларининг намойишга қўйилганлиги биз — мижозлар учун тўғри танлаш имкониятини бердики, бундан кўпчилик мамнун бўлган бўлса керак, деб ўйлайман.

Россия давлатида бўлган чоғимда у ерда фақат аҳолиси гавжум бўлган катта шаҳарлардагина ахборот технологиялари кенг миқёсда равнақ топанлигига гувоҳ бўлганман. Ўзбекистонимизда эса бугун энг чекка қишлоқларда ҳам алоқа соҳасидаги замонавий технологиялар афзаллиги ва самарасини кўрса бўлади. Бухородаги кўргазма залларини айланар эканман, ана шундай ҳис-туйғулар ҳаёлимдан ўтди.

Дмитрий НОР,
қурувчи

БУХОРОда кўргазманинг ёпилиш маросимида бир қатор номинацияларнинг ғолиблари маълум қилинди. Жумладан, "Стенднинг энг яхши ахборот таъминоти учун" номинацияси ғолиби сифатида вилоят ахборот-кутубхона маркази эътироф этилган бўлса, "Энг кўп ташриф буюрилган стенд" номинацияси бўйича "COSCOM" хориқ компанияси Бухоро филиали (Ucell), "Стенднинг энг яхши техник жиҳозлаш учун" номинациясида эса "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ғолиб деб топилди. Шунингдек, "Ўздунробита" хорижий корхонаси Бухоро филиали ("МТС-Ўзбекистон") "Стенднинг энг яхши дизайни учун", "TURON TV" КТВ эса "Стенд ходимларининг энг яхши иши учун" номинацияларининг ғолиблари деб эълон қилиндилар.

Саҳифалар материалларини
Ҳ.САЛЯХОВА, А.ИСТАМОВ ва Л.ТУРСУНОВлар тайёрлашди

ВНИМАНИЕ РУКОВОДИТЕЛЯМ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ!

Узбекское агентство связи и информатизации оповещает о проведении конкурса на выполнение научно-исследовательских работ в сфере связи и информатизации в 2012 году по следующим научным направлениям:

1. Разработка учебников нового поколения по современным технологиям, технике связи и информатизации.
2. Исследование системно-сетевых вопросов развития сетей телекоммуникаций Узбекистана практической направленности.
3. Управление радиочастотным спектром, оптимизация использования радиочастотного ресурса. Обеспечение электромагнитной совместимости и безопасности.
4. Методы и средства обеспечения информационной безопасности и криптозащиты.
5. Энергосбережение, использование энергоресурсов.
6. Развитие почтовой связи на основе внедрения новых технологий и услуг.
7. Внедрение электронных технологий в государственное управление, образование, экономику и социальную сферу.
8. Экономические и инновационные аспекты развития сферы связи и информатизации.
9. Исследование и разработка информационных ресурсов и программного обеспечения.

Форма для подачи предложений

Наименование проекта	
Краткое содержание, обоснование актуальности и практической ценности, этапы выполнения	
Руководитель (Ф.И.О.), научная степень, звание	
Количество основных исполнителей	
Сроки исполнения	
Объем финансовых средств	
Наличие патентов, статей, опубликованных в журналах	
Ожидаемые результаты (апробация, внедрение в отрасли)	
Контактная информация	

Приём научно-технических проектов на конкурс до 15 ноября 2011 года.

Проекты научно-исследовательских работ принимаются ученым секретарем научно-технического совета Узбекского агентства связи и информатизации.

Требования к научно-исследовательским работам представлены в Положении о порядке проведения на конкурсной основе научно-исследовательских работ в сфере связи и информатизации (приказ УзАСИ от 11.12.2007 № 349).

Дополнительная информация размещена на официальном сайте УзАСИ (страничка "НТС УзАСИ") и НТО РЭС (страничка "Новости").

Телефон для справок: 238-41-76 (Ученый секретарь НТО РЭС)

УЗБЕКИСТАН ПОД ВЗОРОМ МИРОВОГО СООБЩЕСТВА: ПРИЗНАНИЕ И УВАЖЕНИЕ

(Продолжение.)

Общезвестно, что основу Хорезмской Академии Маъмуна — этого подлинного храма науки — во многом составляли ученые-уроженцы древней земли Мавераннахра, среди них выдающийся ученый-математик Востока, выходец из древнего Хорезма Мухаммад ибн Муса аль-Хорезми (786–850гг.), который еще в 830 году нашей эры составил первый известный серьезный трактат по алгебре, заложив, таким образом, основы математической традиции, существовавшей в мире на протяжении столетий.

Всему цивилизованному миру известен выдающийся средневековый ученый, философ, целитель и врач Абу Али ибн Сино, известный в Европе как Авиценна, автор знаменитого "Канона врачебной науки", который на протяжении более 500 лет служил основным учебником в университетах Европы, а сам Ибн Сино был общепризнан и в Европе, и на Востоке, где был наделен почетным титулом "Шайх ур-раис", то есть "предводителем ученых" и многие другие деятели науки.

Важный, основополагающий вклад в ряд теологических, богословских направлений внесли такие великие ученые-богословы, религиозные философы и мыслители как имамы — Аль-Бухари (810–870гг.), Ат-Термези (824–892гг.); шейхи Бахауддин Накшбанд и Ан-Насои (830–915гг.), Аль-Мотуриди (?–945гг.) и другие славные сыны древнего Узбекистана (Мавераннахра). Они своими трудами дали ощутимый толчок в развитии научного богословия, по сей день являются ценнейшим источником не только для верующих мусульман, но и для ученых-исследователей всего мира. Тем самым был открыт духовно — культурный диалог между двумя мировыми цивилизациями — исламской и европейской, подразумевающий под этим религии ислам и христианство.

Общезвестно, что Ислам явил миру учение о равенстве и братстве всех, учение о праве человека на свободный выбор религии, учение о договоре как о высшей форме мирного сосуществования между людьми и народами, осно-

ванных на принципах равноправия, взаимоуважения и сотрудничества. И подлинно сказано в Священном Коране: "О люди! Мы создали вас мужчинами и женщинами, и сделали народами и племенами, чтобы вы познавали друг друга. Ведь самый благородный из вас перед Аллахом — самый благочестивый. Поистине, Аллах — знающий, сведущий!" (49:13).

И с полным основанием можно сказать, что мы, верующие мусульмане Республики Узбекистан, — все мы выступаем против ксенофобии, экстремизма и терроризма, попыток их религиозного оправдания, как явления чуждого нашей религии и противостоим межнациональной и межрелигиозной вражде. И нет в Исламе деления народов на лучшие и худшие, ибо сам Пророк Мухаммад (мир ему и благословение Аллаха!) провозгласил: "О люди! Разве не один ваш Господь? Разве не один у вас отец? Разве есть у араба преимущество перед не арабом? Разве есть преимущество у не араба перед арабом? Или же у чернокожего перед белокожим, и наоборот? Только в богобоязненности и благочестии заключается превосходство!"

Мусульмане искренне радуются тем социально-экономическим, духовно-нравственным и культурным преобразованиям, произошедшим за последние годы. Новое современное независимое государство Узбекистан делает преференции не только в сторону развития своей экономики, социальной и духовной сферы, но и в полной мере продолжает развитие вековых традиций национальной и духовной культуры своей страны. И это не просто декларации и популистские заверения. Это сегодняшние реалии современной азиатской страны, с бурно развивающейся инфраструктурой и духовной жизнью. Сегодня в Республике Узбекистан успешно действуют более 2.000 мечетей, работают 10 медресе, Ташкентский исламский институт, Указом Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова учрежден Ташкентский исламский университет. В каждой мечети служат дипломированные имамы, получившие специальную подготовку. Более того, во мно-

гих мечетях работают от 3 до 5 имамов. И сейчас, благодаря взвешенной политике руководства Республики Узбекистан, за прошедшие 20 лет независимости руководству Духовного управления мусульман республики удалось сохранить систему отбора и подготовки духовных кадров священнослужителей. А также хотелось бы порадоваться большим успехам в воплощении президентской программы по восстановлению и сохранению исторических памятников мусульманской цивилизации на территории Узбекистана. И то, как эта деятельность реализуется на практике, мы воочию видим на примере восстановления в центре Ташкента огромного комплекса Хазрати Имом.

Одним из главных достижений за все эти годы стало восстановление многовековой истории страны и Центрально-азиатского региона, возрождение богатого культурного и духовного наследия узбекского народа, уникальных, наполненных глубоким гуманистическим смыслом обычаев и традиций, которые являются ярким выражением нашего национального характера. На протяжении тысячелетий народу удалось бережно сохранить и донести до нынешних времен эти бесценные, созвучные духу и философии мира ценности, которые приумножаются новыми поколениями.

В последнее время визиты в город Самарканд зарубежных гостей увеличились в несколько раз. Это видно и по их количеству в городе. Многие считают, что это связано с намечаемым музыкальным фестивалем "Шарк тароналари". Возможно, так и есть. Однако сейчас они с интересом разглядывают и осматривают многовековые исторические памятники, новые современные объекты урбанизации и не устают ими восхищаться. Все это несложно заметить в их взглядах и словах.

"Мы приехали из Южной Кореи, — говорит турист, представивший себя как Чей Ю Сонг. — Откровенно говоря, я имел очень мало сведений о Самарканде и по пути сюда представлял себе его обычным городом Центральной Азии. Однако я резко изменил свое мнение о



Самарканде, ознакомившись с его городскими достопримечательностями. Когда мы посетили площадь Регистан, наш гид описал ее как "жемчужину Востока и блеск мира". Я убедился в правдивости этого описания во время своего путешествия."

"Мы долго прогуливались по вашим базарам, — говорит госпожа Люси из Новой Зеландии. — Очень много вкусных и сладких фруктов, бахчевых, прямо как райский уголок. Люди здесь вежливые, всегда улыбаются. В прошлом году наши друзья посетили Самарканд и засняли все улицы, дороги, памятники и святые места на видеокамеру. Посмотрев эти записи мы решили увидеть ваш город собственными глазами. По правде говоря, по сравнению с прошлогодними видеозаписями в нынешнем году Самарканд преобразился и помолодел еще больше. У нас сложились горы хороших впечатлений об историческом и прекрасном Самарканде".

Восторженные отклики как простых людей, признавших в нашу страну в качестве туристов, так и официальных лиц и государственных деятелей зарубежных стран свидетельствуют о том, что наша страна под руководством Ислама Каримова достигла за два десятилетия независимости значительных успехов благодаря правильному избранному курсу преобразований в социально-экономической, политической, культурно-образовательной и многих других сферах деятельности. Достигнутые успехи нашего общества радуют нас, вдохновляют на новые свершения и наделяют надеждами на перспективы улучшения качества и повышения уровня жизни узбекского народа.

Ташпулат МАТИБАЕВ,
депутат Ташкентского городского
Кенгаши народных депутатов,
кандидат социологических наук

Хабар +tv

ДУШАНБА

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Иккинчи".
7.10 "Онам ва одам" дастури: "Сувости дўстлар".

7.25 - 8.00 "Сўнгги қирғоқчи". Т/с.
Хўрматли телеомошбинлар!
8.00 дан 14.55 гача.

ПРОФИЛАКТИКА

14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
15.55 "Ойил суя".
16.35 "Иккинчи".
16.40 "Иккинчи дарё оралтичи".
17.00 "Азизот".
17.15 "Сўнгги қирғоқчи". Т/с.
17.50 "Иккинчи".
18.00 "Қўнғи қўнғиқ истайди".
"Бозалар сайераси".
18.05 "Эртаслар - яхшиликка етказар".
18.25 "Ватан манзиллари".
18.40 "Иккинчи".
18.45 "Иккинчи" сериал: "Чемпионлик олувчи".

19.20 ТВ - шифокор".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
20.10 "Азизот" /рус/.
20.30 "Хайрли тон". Т/с.
20.40 "Хайрли тон". Т/с.
21.00 "Азизот".
21.05 "Истиқлол солномаси".
21.50 "Нон исси". Т/с.
22.30 "Иккинчи".
22.35 "Тинти дасга". Т/с.
22.30 "Онам ва одам" дастури: "Сувости дўстлар".

23.35 "Ватан манзиллари".
23.50 - 23.55 "Ойил".
23.55 Кўрсатувлар дастури.
00.00 "Ойил суя".
00.40 "Юртим бўйлаб" дастури: "Заман".
00.55 "Қўнғи қўнғиқ истайди".
1.00 "Азизот" /рус/.
1.05 - 2.35 "Манзиллар" дастури.
2.35 "Иккинчи".
2.40 "Тарих қўлуви".
2.55 "Ойил мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Азизот".
4.40 "Иккинчи" сериал: "Чемпионлик олувчи".

5.10 "Ватан манзиллари".
5.25 "Иккинчи дарё оралтичи".
5.45 - 5.55 "Ойил".



6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Мультипанорама".
6.20 "Афсона ва ҳақиқат".
7.40 "Еллик наволар".
8.00-15.00 Профилактика.
15.00 "Доктор Қўнғи". Т/с.
15.50 "Телеурфа".
16.00 "Давр".
16.10 "Осиё". Т/с.
16.10 "Бозалар табассуми".
17.10 "Мультипанорама".
17.20 "Давр мавзуси".
17.40 "Қўнғи ва қанзлик". Т/с.
18.30 "Еллик наволар".
18.50 "Ойил меҳр бўзғи".
19.00 "Давр".
19.30 "Осиё". Т/с.
20.20 "Қўнғиқ дарғаси".
21.10 "Қўнғи ва қанзлик". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Доктор Қўнғи". Т/с.
23.20 "Шарқ пахлавари".
00.00 "Ватан меҳри".
00.10 "Еллик наволар".
00.30 "Хайр-маюм". Т/с.
2.00 "Давр".
2.30 "Юдушди осмон".
3.30 "Юдушди осмон".
4.00 "Афсона ва ҳақиқат".

ДУШАНБА — 10 ОКТЯБР

4.40 "Меҳр ва меҳнат".
5.20 "Иккинчи" сериал: "Хайрли тон".
5.50-6.00 "Хайрли тон".

ТОШКЕНТ

06.00 Кўрсатувлар тартиби.
06.05 "Мушқалар учун мактаб".
06.30 "Иккинчи" сериал: "Антиқа қўйи".
07.00 "Поликар".
07.25 Тошкент тароналари.
07.40 "Ҳазил бўстони".
07.45 "Поликар йўллари".
Хўрматли телеомошбинлар!
"ТОШКЕНТ" телеканалида соат 8.00-15.00 гача профилактика.
15.00 "Поликар".
15.15 "Иккинчи тақдир". Т/с. 12 - қисм.
15.40 "Миттиқлар оиласи".
16.00 Тошкент тароналари.
16.20 "Қисил суя". М/ф.
17.00 "Дураана".
17.15 "Модерн".
17.30 "Қасбим факрин".
17.45 "Эллик".
18.00 "Поликар".
18.25 "Саломат бўлинг".
18.40 "Эко-пойлат".
18.50 "Интеллектуал аўдион".
19.00 "Иккинчи" сериал: "Антиқа қўйи".
19.25 "Учқўнғи".
19.30 Тошкент тароналари.
19.50 "Телекуратор-маркет".
20.00 "Поликар".
20.25 "Бизнес-пойлат".
20.30 "Шаҳаронинг қўнғи". Т/с.
21.00 Тошкент тароналари.
21.20 "Телекуратор-маркет".
21.30 "Поликар". /рус/.
21.55 "Интервю".
22.05 "Кино SMS со звездрами".
22.10 "Силин Уайт". Х/ф.
23.50 "Эко-пойлат". /рус/.
00.00 Кўрсатувлар тартиби.
00.05 Простука и облаках. Х/ф.
01.40 "Васе о турнеме".
02.10 "Ушларин".
02.15 "Тинти нуқдаси".
02.45 "Қасқу узили узи парвоз". Б/ф.

СПОРТ

6.00 "Хайрли тон".
6.10 "Саломат бўлинг".
6.30 Бозалар мейдончаси: Тинти гимнастика.
"Спортландия". Мультифилм.
7.00 Жасур Бозалар.
7.30 ХАБАРИЛАР.
Телеомошбинлар диққатига!
"Спорт" телеканалида соат 8.00 дан - 15.00 гача профилактика.
15.05 Теннис. АТР WTA турнири.
16.15 Формула-1. Япония Гран-при. Кавиризация.
18.00 Бозалар мейдончаси: "Спортландия". Мультифилм.
18.30 ХАБАРИЛАР.
18.50 Саломатлик хазинаси.
18.55 Ўзбек жанг сайлоти. Ўзбекистон чемпиони.
19.55 Гандбол. Ўзбекистон кубоги. Финал.
20.45 "Футбол шарҳи".
21.30 ХАБАРИЛАР.
21.50 Саломатлик хазинаси.
21.55 ИнтерФутбол.
23.35 Сессия дастури анонси.
23.45 Спорт гимнастикаси. Жаҳон чемпионати.
1.00 ХАБАРИЛАР.
1.25 Палав. Жаҳон кубоги.
2.10 Теннис. АТР WTA турнири.
4.50 - 5.50 Футбол. Осиё чемпионати Сараиш урчулиши. U-16. Ўзбекистон - Токистон.



07.00-13.00 Профилактика
13.00-15.30 18.10 19.30 20.35 02.15
Ўзбек наволари

14.40 "Ақриқасида биргаметиз".
17.30 "Премьер".
18.00 Prime time (уб).
18.40 Сериал "ЖАРАСАҚАДА БИРГАМИЗ".
20.00 "Тон-10".
21.10 Сериал "ЗА ГРАНЫО".
22.00 "КЕИТ И ЛЕО" Х/ф.
00.10 Миксер.
01.30 Сериал "Легенда об искателе".
03.00-05.00 "ФОНТАН".

БИРИНЧИ

04.00 "Доброе утро".
08.00 11.00 14.00 Новости.
08.05 "Доброе утро". Продолжение.
08.30 "Контрольная закупка".
09.00 "Жизнь здорово".
10.00 "Мотивный приговор".
11.20 "ЖЖЖ".
12.20 "Участковый детектив".
13.00 Другие новости.
13.25 "Понять. Простить".
14.30 "Хочу знать" с Михаилом Ширинином.
15.00 Т/с "Обручальное кольцо".
15.50 "Федеральный судья".
16.00 Вечерние новости.
17.55 "Давай поговорим!".
18.55 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.30 Т/с "Охотники за бриллиантами".
21.30 "Миссоды против травоядных".
22.25 "Пониз".
23.20 Ночные новости.
23.35 Городские пытки. "Форс-мажоры".
00.25 Х/ф "Собачья работа 2 (К 911)".

РОССИЯ 1

04.00 "Утро России".
08.05 "С новым домом". Ток-шоу.
09.00 "О самом главном". Ток-шоу.
10.00 13.00 15.30 19.30 Вести-Москва.
10.50 Т/с "Кулиги и партнеры".
12.00 Т/с "ТАЙНЫ СЛЕДСТВИЯ".
13.55 Вести. Декоративная часть.
14.05 Т/с "Берсерки. Продолжение".
15.50 Т/с "Вас к чему?".
16.55 Т/с "Зеркало, мама".
19.50 "Спокойной ночи, малыши".
20.00 Т/с "Доктор из Халлеветки-3".
22.15 СВИДЕТЕЛИ. Тридцать лет с кодами. Виктор Суховей. 1 ч.
23.25 "Вести".
23.45 Профилактика.
00.55 Х/ф "Трижды Гарри".

НТВ

03.55 "НТВ утроем".
06.30 Д/с "Эра Стрелы".
07.30 08.20 13.30 16.30 Обзор.
Президентские присяжные.
08.00 11.00 14.00 17.00 21.15 Сегодня.
08.55 Д/с "Док".
10.00 Суд присяжных.
11.30 "Судебный детектив".
12.40 "Центр помощи Анастасия".
14.30 "Прокурорская проверка".
15.40 "Товарим и показываем". Ток-

шоу с Леонидом Замосканским.
17.30 Острожский Т/с "Морские дельфины".
19.30 Д/с "Глухарь. Возвращение".
21.35 Честный понедельник.
22.25 "Школа зловония".
23.10 Главная дорога.
23.45 "В зоне особого риска".

РОССИЯ К

06.00 "Берсерки" на русском языке.
09.00 "Наблюдатель". Прямой эфир.
10.15 Х/ф "ДОН КИХОТ".
11.35 "Линия жизни". Анатолий Лысенко. (*)
12.30 Д/с "Битва чемпионов".
13.00 Спектакль "НЕЗНАКОМЕЦ".
14.40 18.30 22.35 Новости культуры.
14.50 М/с "Орсон и Оливия".
15.15 Т/с "ПОВЕЛИТЕЛЬ МОЛНИИ".
15.40 Д/с "Жизнь морских обитателей".
16.05 Д/с "От 0 до 80. Симон Шноль".
16.35 К юбилею ГАСО. А. Скрабин. "Прометей".

17.15 Д/ф "Мирные сокровища культуры". "Запретный город в Пекине".
17.35 Д/с "Клетка, или Из чего состоит жизнь".
18.45 Главная роль.
19.05 "Сати. Несокрушимая классика...".
19.45 "Острова".
20.25 "Кто боится вольных камешков?" 1-я лекция.
21.10 "Тем временем".
22.00 Д/с "Культура". Испанский след.
22.55 Д/ф "Культура". Начо Дуто. Русские сезоны.
23.35 "Кинескоп".
00.20 "Ла Скала".

СТС

05.00 "Талисто".
06.00 13.00 М/с.
07.00 "Давай молодцы".
08.00 17.30 22.15 00.30 "8 касок".
08.30 Х/ф "Трансформеры. Местный пацан".
11.15 "Нереальная история".
12.15 12.30 14.30 "Ералаш".
15.00 "Пышки дочек".
16.30 "Талисто".
18.00 "Воронья".
19.00 "Закрытая школа". Мистический триллер.
20.00 Х/ф "Три икса".
23.00 Шоу "Уральских пельменей". Лучшее.
Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётган бир вақтда иқтисодни модернизациялаш механизмининг амалдаги татбиқи иқтисодий самарадорлигининг кескин ошишига олиб келади.

Умиджон ЎРУНОВ,
ТАТУ 3-босқич талабаси

Рақобат ва сифат

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бевосита ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва хизматларнинг сифат кўрсаткичларига боғлиқ. Давлат ва хусусий корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулот турларининг кун сайин талабга қараб ўзгариб бориши рақобатни юзага келтирмоқда. Бу, ўз навбатида, маҳсулот харидорчилигини таъминлаш учун сифат кўрсаткичларини оширишга олиб келади.

Ахборот-коммуникация тизимининг кенг тармоқ отиб, жадал суръатларда ривожланиши харидорнинг интернет тармоғи орқали ўзига зарур бўлган маҳсулотни ёки хизматни танлаш имконини яратмоқда. Бу харидорнинг ўз уйдан ёки иш жойидан маҳсулот учун буюртма бериши, битимлар тузиши, электрон тарзда мулоқот қилиши, ҳужжат алмашиниши, тўловларни электрон усулда амалга оширишини таъминлайди. Натижада харидор қимматли вақтини тежайди, кенг қамровли танловга эришади, арзон нархда сифатли маҳсулот харид қилади. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхонаси ички ва ташқи бозорларда маҳсулотга бўлаётган талабни кузатиб бориш имконига эга бўлади, рақобатчиларнинг фаолиятидан хабар топиб туради ва ўз иш фаолиятига тегишли ўзгаришлар киритиш, бозор талабга тезда мослашади.

Республикаимиз мустақилликка эришгунга қадар асосан хом ашё маскани

бўлиб келган. Хом ашё, қазилма бойликларимиз, пахта, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари хорижий мамлакатларга арзон баҳоларда сотилар, тайёр истеъмол ҳолатига келтирилганлари эса бир неча бор қиммат баҳода мамлакатимизга келтирилган эди. Истиқлол шарофати билан ҳар бир ижтимоий-иқтисодий жараёнга илмий асосда ёндашиш зарурати туғилди, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш борасида тўб ислохотлар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Хом ашё етказиб берувчида тайёр маҳсулот етказиб берувчи манбага айландик. Мамлакатимизда кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилди, ёшларда янги замонавий технологияларда ишлаш амалий кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида ўқув курслари ташкил этилди, айрим му-тахассислар хорижий мамлакатларда ўз малакаларини ошириб келдилар. Ҳамкор корхоналарда чет элга хом ашё эмас, балки тайёр сифатли маҳсулот чиқариш

йўлга қўйилди ва бу тизим бугунги кунда муваффақиятли фаолият юритмоқда. Жаҳон бўйлаб мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни интернет тармоғи орқали ташвиқот қилиниши маҳсулот учун харидорлар сонининг кенгайишига олиб келди. Харидорлар сонининг ошиб бориши сифатга бўлган талабни кескин оширди, рақобат юзага келди. Маҳсулот тўғрисидаги хабарлар манзиллига етказиб берилди бошланди. Савдо шохобчалари ўрнини электрон дўконлар эгаллапти. Буюртмачи талаби асосида маҳсулот ишлаб чиқариш кенг қамров топди. Нафақат мамлакатимиз аҳолисидан балки чет эл фуқаро ва ташкилотларидан ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотларига узлуксиз буюртмалар келиб турибди. Бу борада ахборот-коммуникация тизимининг аҳамияти бекиёс катта.

Ахборот тизимининг ривожланиши нафақат ишлаб чиқариш корхоналари

юқсалишини таъминлади, балки хизмат кўрсатиш борасида ҳам катта ютуқларга эришилди. Масалан: туризм соҳасини олайлик. Мамлакатимизнинг географик жойлашуви, фаслларга боғлиқ иқлим, қадимий ёдгорликлар, тоғ ва дарёларнинг мавжудлиги хорижий сайёҳларни жалб этишда асосий омиллардандир. Интернет орқали сайёҳларга хизмат кўрсатиш, диққатга сазовор жойларни ташвиқот қилиш, хизматлар учун электрон тўлов тизимининг доимо ишлаб туриши эътиборга лойиқ ҳолатдир. Сайёҳлар оқимининг йил сайин ошиб бориши бу борада ҳам рақобатни юзага келтирди ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишга туртки бўлди.

Интернет тармоғининг ривожланиши, банклар тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотларининг харидорчилигини таъминламоқда. Маҳсулот ҳаракатининг ривожланиши тушумлар захирасини оширишга олиб келмоқда.

Рақобат ва сифат кўрсаткичлари бозорларда хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш-ни тақозо этади, шунингдек, жаҳон бозориди ўз ўрнини эгаллашга замин яратиб, мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Тоҳир БОБОЖОНОВ,
ТАТУ талабаси

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалида "Энг яхши почта алоқаси тармоғи бошлиғи ўринбосари — етакчи муҳандис" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тадбирга Чирчиқ почта алоқаси тармоғи мезбонлик қилди.

Етакчилар етакчиси

Маълумки, почта алоқаси тармоқларининг хизмат юки анчагина залворли. Пенсия ва нафақалар, жўнатма, газета ва журналларни ўз эгалари қўлига вақтида, бекам қўст етказишдан ташқари яна қанчадан-қанча ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик вазифалар улар зиммасида. Оддий почтачидан тортиб тармоқ раҳбаригача бу жараёнда фаол иштирок этади. Табиийки, етакчи муҳандиста қўйиладиган талаблар ҳам шунга яраша. У корхонаси томонидан кўрсатилаётган почта хизматлари сифатига бевоқифа масъул бўлиб, пул маблағлари камомати ва ўзлаштириш ҳолатларига йўл қўймаслиги, пул ўтказмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ва маълумотлар тайёрлашда ҳисоб реестрларининг тўғри юритилишини таъминлаши, почта хизматлари юзасидан мижозлардан шикоятлар бўлган тақдирда ўз вақтида тегишли чора кўриши лозим бўлади.



Танлов соғриндорлари: (чапдан ўнга) З.Аджелимова, В.Надькина ва Г.Леонтьева.

Танловнинг биринчи — "Танишув" шартига кўра, иштирокчилар ўзлари яшаб, фаолият кўрсатаётган туман почта алоқаси тармоғи, унда ишлар қандай йўлга қўйилгани, алоқа бўлимларининг бугунги қиёфаси, алоқачилар ва мижозлар учун яратилган шарт-шароитлар акс эттирилган фотоматериаллар тақдим этиб, ўзларининг иш тажрибалари ҳақида сўзлашди.

Норматив ҳужжатлар бўйича билимлар тест синовларида аниқланган бўлса, амалий машғулотлар етакчи муҳандисларнинг касб маҳорати, почта қонун-қоидаларини қанчалик пухта эгаллагани, муомала маданиятига оидлик киритди.

Танлов якунига етди. Барча шартларни муваффақиятли бажарган ангреник почтачилар фахри — почта алоқаси тармоғи бошлиғининг ўринбосари Валентина Надькина филиал тармоқларида фаолият кўрсатаётган энг яхши етакчи муҳандис деган шарафли номга сазовор бўлди. Валентина Николаевна энди Бутунжаҳон почта кўни арафасида ўтказиладиган республика босқичида вилоят почтаси шарафини ҳимоя қилади.

Иккинчи ўринни Дўстобод ПАТ етакчи муҳандиси Галина Леонтьева эгаллаган бўлса, учинчи ўрин Чирчиқ ПАТ вакиласи Зейнеб Аджелимовага насиб этди.

Танлов ғолиб ва иштирокчиларига ташкилотчиларнинг пул мукофотлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Собит АХАДОВ,
"Xabar" мухбири

PS. Қўни кеча "Ўзбекистон почтаси" ОАЖда мазкур танловнинг республика босқичи ўтказилди. Тадбир тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сониди танишишингиз мумкин.

ХУҚУҚИЙ ИТОАТКОРЛИК

Эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқимиз учун муносиб турмуш даражасини яратиб бериш гаровидир

Юртимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, ишлаб чиқариш соҳаларини эркинлаштириш, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифасини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи навбатда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш борасида муҳим меъёрий-хуқуқий база яратилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш нафақат давлат ва жамият тараққиётида, балки ҳар бир инсоннинг ҳаётини эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамиятга эга, яъни хизмат кўрсатиш, чакана савдо, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш каби соҳаларда ушбу фаолият яққол намоён бўлади. Мазкур соҳани хуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Микромолиялаш тўғрисида", "Хусусий корхона тўғрисида", "Инвестиция фаолияти тўғрисида", "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида", янги таҳрирдаги "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Истеъмол кредити тўғрисида"ги каби қонунлар қўллаб-қувватланаётган бўлиб хизмат қилаётган.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури"га мувофиқ ҳамда давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони чиқди. Мазкур фармонда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тартиб-қоидаларини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасидаги аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш мақсадида қўйилган назарда тутилиши кўрсатиб ўтилган:

- тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини (солиқ тўловчи томонидан тақдим этиладиган молия ва солиқ ҳисоботини таҳлил этиш асосида) камерал назорат қилиш ҳамда дастлабки тарзда ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича солиқ қонунчилиги бузилиши аниқланган ҳолларда текширишлар (тафтишлар)ни ташкил қилишни кенг жорий этиш;

- солиқ қонунчилиги бузилишларининг тизимли сабабларини аниқлаш, кейинчалик уларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш учун текширишлардан кейинги таҳлил механизмининг татбиқ қилиш;

- тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжа-

лик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширишларни ўтказишда унификациялаштирилган назорат саволномасини ишлаб чиқиш ва мажбурий қўллашни татбиқ этиш, шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишни қайта кўриб чиқиш ва 2011 йилги текширишлар режасидан чиқариб ташлаш.

Фармоннинг моҳияти Давлат алоқа инспекцияси ходимлари ўртасида атрофлича ўрганиб чиқилиб, фармон билан юклатилган вазифалар ва унинг моҳияти юзасидан ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди ҳамда тегишли хулосалар чиқарилди. Бундан ташқари, мазкур фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда Давлат алоқа инспекцияси томонидан режалар текширишларни ўтказиш унификациялаштирилган назорат саволномаси ишлаб чиқилиб, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилди. Шунингдек, 2011 йил текширишлар режа-жадвалига асосан, 2011 йилга жами 32та хўжалик юритувчи субъект-

ларда режалар текширишлар режалаштирилган бўлиб, фармон билан юклатилган вазифаларни бажарилишини таъминлаш мақсадида кичик тадбиркорлик билан шуғулланаётган 3та хўжалик юритувчи субъект 2011 йил режасидан чиқарилди.

Статистик ахборотларнинг ягона тизимини янада ривожлантириш, маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш ва уларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликдан бош тортишга кўмаклашадиган шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралдаги "Маъмурий жазога тортилган шахсларни марказлаш-

тирилган ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш тўғрисида"ги 39-қарори ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2011 йил 13 апрелдаги 63-Ф фармойиши чиқарилган. Қарор ва фармойиш талабларининг бажарилишини таъминлаш борасида ҳам ДАИ томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги 39-қарори билан тасдиқланган Маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низом ходимлар орасида атрофлича ўрганиб чиқилди. Низомнинг моҳияти ва унда кўрсатиб ўтилган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди ва тегишли хулосалар чиқарилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган семинарларда иштирок этилди.

Мазкур низомга асосан, Давлат алоқа инспекциясининг локал ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилди ва маъмурий жазога тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни тўллаш, ҳисобга олиш, умумлаштириш низомини ишлаб чиқилиб, инспекциянинг тегишли бўйруғи билан амалга киритилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, фармон ва қарорда белгилаб берилган муҳим йўналишлар ва устувор вазифаларни амалга оширишдан асосий мақсад — юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқимиз учун муносиб турмуш даражасини яратиб беришдан иборатдир.

Давлат алоқа инспекциясининг асосий вазифаларидан бири ҳам хуқуқий итоаткорликни таъминлашдир.

Г.ИКРОМОВА,
ДАИ етакчи юриконсулти




ALSKOM

суғурта компанияси жамоаси

*Пойта соҳаси ходимларини
9 октябрь — Ўзбекистон пойта кунин
билан мубораққод этади.*

*Пойта соҳасида амалга оширилган
ишларининг муваффақиятлар ёр бўлсин.*



*Хонадонларга қувонгли хабарлар
тарқатишдан тўғрисида.*

"BEST GLOBE REALTOR"

масъулияти чекланган жамияти

очиқ танловга таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-қарори ва Бухоро шаҳар ҳокимининг 2011 йил 27 сентябрдаги 1105-қарорига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва jismoniy шахсларга қуйидаги ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

Қўп қаватли тураржой биноси ва савдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун Бухоро шаҳар Баҳоддин Нақибанд кўчаси ёқасида жойлашган 2 та ер майдони 900,0 кв.м. дандан иборат бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 573 300 сўм. Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми, шакллари ва шартлари Бухоро шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади.

Танловда қатнашиш учун талабгор буюртма хат билан танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртмани икки нусхада тақдим этади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган талабгор учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Jismoniy шахс мақомига эга бўлган талабгор учун — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Танлов тўғрисидаги билдиришномада кўрсатишган ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закат пулининг хабарномада кўрсатишган танлов ташкилотчисининг ҳисоб рақамига ўтказилганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Танлов ҳужжатлари талабгарига мувофиқ тузилган, муҳланган конвертлардаги икки нусхадаги танлов таклифи.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри (юрисдик шахслар учун) ва имзаси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда қатнашиш учун талабгорлардан буюртманома ҳар кунини (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) қабул қилинади ва буюртманома қабул қилиш 2011 йил 9 ноябр кунини соат 16-00да тўхтатилади.

Танловда қатнашиш истагига бўлган талабгорларнинг таклифлари Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносидан 2011 йил 10 ноябр кунини соат 11-00да очилгани ва 2011 йил 10 ноябр кунини соат 12-00да мажбурий ҳокимлик битимига танлов қўлини аниқланади.

Танлов комиссияси томонидан танлов ҳужжатлари талабгарига мувофиқ энг юқори таклиф билдирган талабгор танлов қўлини деб топилди.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас. Талабгорларга уларнинг сурувлари бўйича, энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридagi тўлов эвазига танлов ҳужжатлари тақдим этилади.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закат пулининг тўлиғини учун танлов ташкилотчиси банк реквизитлари: ХХТҲТ 83200, СТИР 302045495, МФО 00115, ОАТ "Қишлоқ қурилиш банки" Бухоро минтақавий филиалидаги х/р 2020800020492259001.

Буюртманома қабул қилишнинг ёки танлов ҳужжатларини олиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишнинг мумкин.

Танлов ташкилотчиси — "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти.

Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.
E-mail: bg_realtor@list.ru

Лицензия RR 0029

Эл хизматида

Косонсой Наманган вилоятининг энг гўзал ва хушхаво туманларидан. Зилол сувлар макони, санатория ва шифохоналар, дам олиш масканлари жойлашган бетакрор гўша. Ундаги умидли ва келажаги бор ташкилотлар, корхоналар, фермерлар, маорифчилар олдинги сафга интилишяпти.

Ана шундай бурч ва масъулиятни дилга жо қилиб ишлаётган нуфузли ташкилотлардан бири Косонсой почта алоқаси тармоғидир. Сўхбатимизни шу тармоқ бошлиғи вазифини бажарувчи Маҳмуджон Тўхтаев давом эттирди.

— Шунинг таъкидлаш керакки, жамоамиз ниҳоятда аҳил ва ишчан. Барча ходимларимиз доволан ошишга тайёр. 12та алоқа бўлимимиз бор. "Хуррият" фуқаролар йиғини ҳудудидаги Косонсой-1, Чиндовул, Испарон, Худойбердиев номи алоқа бўлимлари яхши кўрсаткичлар соҳиб бўлишяпти. Бу тармоқларнинг етакчилари Дадахон Абдушахидов, Одил Тожибоев, Абдурашул Жаъфаров, Юнусхон Маъсумовлар эл ҳурмати қозонишган. Бу бўлимларда ўтган ярим йиллик режалар ортиси билан урдаланган.

Изланганга толе ёр деганларидек, алоқачиларнинг ишлари давр талабига мос келади. Ярим йиллик даромад натижасининг ўзи буни исботлаб ту-

рибди. Умумий кўрсаткич 211 миллион 846 минг сўм, коммунал хизмат 32 миллион 961 минг сўм, электрон пул жўнатмалари 1 миллион 188 минг сўм, хат-хабарлар 2 миллион 277 минг сўмни ташкил этади. Бу, албатта, ҳаракат маҳсули, навбатдаги ишлар ҳали олдинда.

Туман тармоғи ҳисобида шу кунларда 69 нафар ходим фаолият кўрсатяпти. Барчаси малакасини оширган, тажрибали, меҳнаткаш кишилар. Қўлни қўлга бериб хизмат қилишяпти. Бош ҳисобчи Раҳимдихон Раҳмонов, обуна бўлими бошлиғи Назира Турдихўжаева, оператор-назоратчи Озодхон Эшонхўжаева, ҳазинабон Абдумажид Тошпўлатов, муҳандис Ҳафизилло Ҳасановлар тиним билишмайди, масъулиятни дилдан ҳис қилиб ишлашяпти.

Гап кетганда, оддий хизматчиларни ҳам тилга олиш керак. Ҳам боғбон, ҳам қоровул Исмоилжон Тошбоев, Абдумажид Қаландаровлар алоқа тармоғи ҳовлисини гулзорга айлантиришган, мевали дарахтларни ўтказиб, парвариш қилишяпти.

— Бу жамоа хизматидан мамнунмиз, — деди "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиали почта хавфсизлиги хизмати бўлинмаси бошлиғи Шавкат Маматов. — Чинакамига улар фидойиликка дахлдор.

...Косонсойлик алоқачилар элга хизмат йўлида дадиллик қилмоқдалар. Изланиш ва интилиш бор жойда ютуқ бўлади, албатта. Омад сизга ёр бўлсин, азиз қишлоқ алоқачилари.

Пўлат ҲАМДАМ

Учрашув

Фарғона вилояти Сўх тумани "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ходимлари туман телекоммуникациялар боғламасида меҳнат қилаётган ёш алоқачилар билан учрашув ўтказишди.

"Қамолот"чилар вакили Жамалидин Жалолидинов ҳукуматимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган ҳамхўрликлар, улар учун яратилаётган шароит, имтиёзлар тўғрисида сўзлаб берди. Учрашув иштирокчилари томонидан берилган саволларга жавоблар қайтариб, доимо ҳамкорликда иш олиб бориш таъкидланди.

Боғламада меҳнат қилаётган ёш алоқачилардан Мўминжон Мўминов, Хусрав Шеров, Фарид Шодиевларга "Қамолот"нинг фахрий ёрликларини топширди.

Боғлама бошлиғи Абдуқуддус Шеров учрашув ташкилотчиларига жамоа номидан ўз миннатдорчилигини билдирди.

Асқарбек АНБАРЖОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "ЎЗСВЯЗСПУТНИК" Ўзбекистон-Россия илмий ишлаб чиқариш қўшма корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятига берилган 0001662 рақамли;

"ИМПУЛЬС СЕРВИС" масъулияти чекланган жамиятнинг (Урганч ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган 0002947 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2011 йил 3 октябрдан тугатилди.

Шабриқ.тай.уз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиали Бўз почта алоқаси тармоғи жамоаси "Жийдақатор" алоқа бўлими бошлиғи, қўлаб шогирдларнинг устози Абдуваҳоб ака АБДУҚАҲҲОРОВни табаррук 60 ёши билан мубораққод этади. Унга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик ва оилавий хотиржамлик тилайди.

Футзал

Етакчилар сараланди

Тошкент шаҳри "Ўтиш турнири"да гуруҳлардаги ўйинлар ўз якунига етди. "А" гуруҳида UCELL жамоаси 100 фоизлик натижага эришиб, 1-ўринни эгаллади. "Алском" эса МТ жамоаси билан ҳал қилувчи 3-тур ўйинида ўзининг икки ўйинчисиз (дастлабки ўйинларда иккита сариқ карточка олган Элёр Пулатов ва қизил карточкаси мавжуд бўлган Бахтиёр Турсунов) ғалаба қозона олди — 6:3.

"А" ГУРУҲИ ЖАДВАЛИ

Жамоалар	1	2	3	4	т/нисбати	очколар	ўрин
UCELL		9-2 3	4-1 3	7-6 3	16:8 +8	9	1
Матбуот тарқатувчи ДАН	2-9 0		4-1 3	3:6 0	9:16 -7	3	3
Алском	0-1 0	1-4 0		1-6 0	2:10 -8	0	4
	6-7 0	6:3 3	6-1 3		18:11 +7	6	2

"В" гуруҳида "Алоқабанк" ва "Ўзтелеком" жамоалари чорак финалда ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритдилар. UCELL-2 ва "Ўзтелеком" жамоалари ўзаро дуранг натижасини қайд этишган бўлса-да, телекомчилар тўплар нисбатига кўра гуруҳда устунликка эришди.

"В" ГУРУҲИ ЖАДВАЛИ

Жамоалар	1	2	3	4	т/нисбати	очколар	ўрин
Алоқабанк		9-4 3	6:4 3	10-0 3	25:8 +17	9	1
UCELL-2	4-9 0		2-2 1	5:2 3	11:13 -2	4	3
Ўзтелеком	4:6 0	2-2 1		10:3 3	16:11 +5	4	2
Семурғ	0-10 0	2:5 3	3-10 0		5:25 -20	0	4

Сўнгги тур олдида "С" гуруҳида ЎзААА ва МАТБ жамоалари олтигача очко тўплаган эдилар. 3-турда бу жамоалар ўзаро учрашди. Шиддатли кечган бу ўйин давомида икки маротаба МАТБ жамоаси олдинга чиқиб олди 1:0, 2:1, аммо ЎзААА ҳисобни тенглашга куч топа олди ва яхшироқ тўплар нисбати эвазига биринчи, МАТБ эса иккинчи ўринни эгаллади.

"С" ГУРУҲИ ЖАДВАЛИ

Жамоалар	1	2	3	4	т/нисбати	очколар	ўрин
МАТБ		7:1 3	2:2 1	6-4 3	15:7 +8	7	2
RPTM	1:7 0		1-8 0	2:15 0	2:15 -13	0	4
ЎзААА	2:2 1	8-1 3		7:2 3	17:5 +12	7	1
UzMobile	4-6 0	0-3 3	2:7 0		6:13 -7	3	3

Авал хабар берганимиздек, "D" гуруҳида ТАТУ қошидаги 2-сон Академик лицей жамоаси қўшилди. Лицей вакиллари ЭМММ жамоасига ўйинни бой бериб, БКМ ва Алоқа коллежи жамоаларини доғда қолдиришди ва гуруҳда иккинчи ўринни эгалладилар. ЭМММ жамоаси 100 фоизлик натижа кўрсатган ҳолда 1-ўрин соҳиби бўлди.

"D" ГУРУҲИ ЖАДВАЛИ

жамоалар	1	2	3	4	т/нисбати	очколар	ўрин
Алоқа коллежи		4:7 0	2:1 0	4:17 0	8:24 -16	0	4
БКМ	7:4 3		3-6 0	3:11 0	13:21 -8	3	3
ЭМММ	1:1 3	6-3 3		12:6 3	18:8 +10	9	1
2-лицей	17:4 3	11:3 3	6:12 0		34:19 +15	6	2

Шундай қилиб, бугун Тошкент ахборот технологиялари университети спорт залида 16.00да бўлиб ўтадиган "Ўтиш турнири"нинг чорак финал жуфтликлари қуйидагича кўриниш олди:

UCELL — ЎзААА
МАТБ — Алском

Алоқабанк — 2-лицей
ЭМММ — Ўзтелеком

9 октябр, якшанба кuni соат 9.00да UCELL — ЎзААА ҳамда Алоқабанк — 2-лицей жуфтликлари ғолиблари, соат 10.00да МАТБ — Алском ҳамда ЭМММ — "Ўзтелеком" жуфтликлари ғолиблари ярим финал ўйинларида баҳс олиб борадилар. Соат 11.30да 3-ўрин учун ўйин, 12.30да ФИНАЛ.

САРАЛАШ МУСОБАҚАЛАРИ

Саралаш мусобақаларида кутилганидек, ТШТТ, ТТТ, Билайн ва ТАТУ жамоалари тўғридан-тўғри финалга йўлланмаларни қўлга киритдилар.

"А" гуруҳи

2-тур

БРМ — ТТТ (ШАК) 1-6
МТС — ТШТТ 1-6

3-тур

ТТТ — МТС 6-4
ТШТТ — БРМ 5-4

"В" гуруҳи

2-тур

ТШТТ-2 — Ўзбекистон почтаси 2-7
ТАТУ — Билайн 2-5

3-тур

Билайн — ТШТТ-2 9-6
Ўзбекистон почтаси — ТАТУ 3-5

9 октябр кuni соат 14-00да "А" гуруҳида 3-ўринни эгаллаган БРМ жамоаси "В" гуруҳида 4-ўринни эгаллаган ТШТТ-2 жамоасига қарши, "В" гуруҳида 3-ўринни эгаллаган Ўзбекистон почтаси "А" гуруҳида 4-ўринни эгаллаган МТС жамоасига қарши майдонга тушади. Ушбу ўйинларда ғолиб чиққан жамоалар жорий йил соҳа кубогини учун финал босқичи ўйинларида иштирок этади. Мағлуб бўлган жамоалар эса 2012 йил мавсумида "Ўтиш турнири"га ўтади.

Суннат АБДУГАНИЕВ

Футбол

ЎСМИРЛАРИМИЗДАН ГОЛЛАР ШОУСИ

Пойтахтимизда ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати саралаш баҳслари ўтказилмоқда. Унда Ўзбекистон, Баҳрайн, Тожикистон, Ҳиндистон ва Қирғизистон ўсмирлар терма жамоалари Осиё чемпионати йўлланмаси учун кураш олиб борапти. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси баҳсларини йирик ғалаба билан бошлади. Дилшод Нуралиев шогирдлари дастлабки учрашувни Қирғизистон ўсмирларига қарши ўтказиб, йирик — 7:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН 7:0

Голлар: Шоҳжаҳон Аббосов 9, 44, 51, Улугбек Давлатов 16, Иброҳим Абдуллаев 27, Жамшид Болтабоев 42, Иzzатилла Абдуллаев 73.

Иккинчи учрашувда ўсмирларимизга мусобақани жуда яхши бошлаган Ҳиндистон термаси рақиблик қилди. Ҳиндлар илк икки учрашувни ғалаба билан яқунлаган эдилар. Аммо, Ўзбекистонни ҳам мағлубиятга учратишни мақсад қилган Ҳиндистонликлар ўз дарвозаларига голлар шодасини қабул қилишди.

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН 9:0

Голлар: Шоҳжаҳон Аббосов 19, 45+1, 61, 68, Муҳиддин Одилов 26, 27, 30, Иброҳим Абдуллаев 41, Алишер Мирзаев 67.

"НАСАФ"НИНГ ҒОЛИБОНА ЮРИШИ

Қаршининг "Насаф" жамоаси Осиё футбол конфедерацияси кубогини мусобақасида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Анатолий Демяненко шогирдлари ярим финалнинг дастлабки учрашувини Иорданиянинг кўпқара чемпиони "Ал-Вихдат" жамоасини қабул қилди ва 1:0 ҳисобида ғалабага эришди.

Ярим финалнинг жавоб ўйини 18 октябр кuni "Ал-Вихдат" майдонида ўтказилади.

Бокс

ОЛИМПИАДАГА ТЎРТТА ЙЎЛЛАНМА


Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида давом этаётган бокс бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Элшод Расулов, Орзубек Шоимов, Фазлиддин Ғоибназаров ва Жасур Латипов чорак финалга чиқиб, келаси йили Лондонда бўладиган XXX эзги Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди.

Теннис

САБИНА — БОШ СОВРИН СОҲИБАСИ

Пекин шаҳрида теннис бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимида кирувчи турнирнинг жуфтлик беллашувларида ҳамюртимиз Сабина Шарипова россиялик Анна Тюлпа билан ҳамкорликда бош совринни қўлга киритди.

Сабина Шарипова ва Анна Тюлпа бош соврин учун ўтказилган финал баҳсида индонезиялик Алдила Сутжиади ва хитойлик Ай Вен Жу устидан 6:2, 3:6, 10:3 ҳисобида зафар кучиб, мусобақа ғолиби бўлди.



Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши жамоаси Хоразм вилояти биланган алоқа ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси Зулфия Бобоновага падари бузрукворини РАЖАББЎЙ отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси Қарши почта алоқаси тармоғининг бош ҳисобчиси Гулнора Мансуровага онаси ИБОДАТ аянинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия ҳамдардлик билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси "Телекоммуникация узатиш тизимлари" кафедраси доценти Нигматилла Юнусовга акаси

Ҳикмат ЮНУСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Х аёт ниҳоятда гўзал. Кўпчилик: "Қийин бўлиб кетди, қимматчилик", дейди, бекор гап, замонга мослаш. Каллани ишлаб, пул топ. Мана мен тўрт жойда ишлайман. Ойига шарақлатиб пулжонни оламиз. Пулжон ғоятда ажойиб. Уни деб нималар қилмайман-а... Банкдагиларни бошлаб туширдим, лекин ишдан кетганим ёмон бўлди.

Банк раҳбари судда нима дейди дент:

— Бундан кейин банк тизимида ишламайсан.

Ҳа, осмонни ушлаган синчалак. Ким бўсан, қўлингдан нима келади? Қонунлар биз каби жабр-дидаларни қўллаб-қувватлайди. Фақат озгина каллани ишлатиб, ўзингни бечора қилиб кўрсатсанг бўлди. Масалан, менинг асосий иш жойим банк. Банкга мижоз келади. Камина ҳуқуқшунос сифатида мижоз билан банк ўртасидаги шартномани расмийлаштиришим зарур. Мижоз билан гаплашиб, шартноманинг асосий бандларини унинг фойдасига ҳал этиш ва "тўқилган пешона тери" учун хизмат ҳақи олиш асосий вазифа. Мижоз кредитни қайтара олмайди. Банк судга беради ва ютқазади. Бор гап шу, вассалом. Пулжон лапанглаб, эшилиб келаверади.

Банк раҳбари тутақиб, бўзариб: — Нимага ютқазамиз, яна ютқаздик, ҳаммангни ишдан бўшатаман! — дейди-ю, бир оздан кейин ўзига келади. Иш давом этаверади.

Ҳаммаси силлиқ кетаётганиди. Пулжон тўлганганда сабр чидамасдан шартномани тўлиқ мижоз ҳисобига ўтказиб юборганимни билмай қолибман. Одатдагидек судда ютқаздик, бошлиғимиз дод деб юборди.

— Қандай қилиб, нима учун? — дейди-ю шартномага термулади.

Судда: "Билмасдан қўл қўйибман, юристга ишонибман", дейди. Номерд, жимжимадор имзодан олдин ҳужжатни ўқи. Ўқимасдан қўл қўйсанг мен айборми? Ҳаммаси яхши бўлди-ю, ишдан ўз аризамга биноан бўшадим. Камина отни калласидай маошдан айрилди. Яхшиям қўшимча иш жойларим бор.

Реклама агентлигига ёш, тажрибасиз йигит бошлиқ бўлибди, деган гапни эшитдим-у эшигини тақиллатдим.

— Ассалому алайкум, мана бўлар экан-ку, давлатимизга раҳмат. Ёшларга йўл очиб берибди, — дея мўлладога ўтдим. — Ҳурматли бошлиқ, сиз ёш, билимдон, кела-

жаги бор йигитсиз, ён-атрофдан эҳтиёт бўлинг, ҳеч кимга ишонманг.

Хуллас, бошлиқ мени ҳуқуқшунос-маслаҳатчи вазифасига ишга олди.

Банкдаги тажрибамни ишга солдим. Биринчи навбатда, ишни мижоздан бошладим. Ишим ёмон эмас, аммо тажрибасиз, ёш деб

дамизга ҳал этилишини биламиз.

Хар доимгидай, жонимни жабборга бериб ишлаганимни, ташкилотдаги барча ютуқлар фаолиятим билан боғлиқ эканини, жамоат топширигини шахсий манфаатдан устун қўйиб бажарганимни, ҳатто жамоа учун шахсий маблағимни ҳам аямаганимни маънос овозда моҳирона гапирдим.

Ташкилотдаги камчиликларни

папкадаги нусха олинган ҳужжатлар



ўйлаган раҳбар ҳар бир ҳужжатни синчиклаб ўқиб қўл қўядиган-то ифасидан Пулжонлар ҳамлиб кетди. Ило-тополмадим.

Ўйлаб-ўйлаб, бошлиқ ҳузурига кирдим-у, ишдан бўшатишини, аммо обрўйимга таъсир этмасдан чиройли бўшатишини сўрадим. Бошлиқ ҳайрон бўлиб сўради:

— Айтингчи, қандай қилиб чиройли ишдан бўшатиш мумкин?

— Қуда-андалик одамман, ошна-оғайниларим ўртасида обрўйим бор. Фалончини ишдан кетказишибди, баттар бўлсин, деган гапни эшитиш оғир. Шунинг учун лавозимимни қисқарттириш. Штат қисқариши муносабати билан ишдан кетдим, дейман. Сиздан хафа бўлмайман, обрўйим сақланиб қолади, — дедим.

Ниятимни холис деб билган ёш бошлиқ қармоққа олинди. Иш қилдириш баҳонасида икки ой ишладим. Бу даврда ташкилотимизнинг барча ҳужжатларидан нусха олиб папкага тикдим. Қинғир ишни қийворадиган адвокат оғайним билан маслаҳатлашиб, судга мурожаат қилдим. Аризани сўқир кўздан ёш чиқадаган қилиб ёзиб, маънавий зарарни 10 миллион сўм деб белгилладим.

Орзиқиб кутилган кун келди. Суд бошланди. Адвокат иккимизнинг димоғимиз чоғ. Иш фой-

асосида фой қилиб ташладим. Ушбу камчиликларни ошкор қилганлигим учун ишдан бўшатишганимга алоҳида урғу бердим.

Менга ва жамиятимизга келтирилган зарар фактлар асосида исботлаб берилди. Ҳамма менга тикилиб: "Вой, бечора бояқишни шунча қийнашибди-я" дегандай, бошини чайқаб қўяди. Гапимнинг охирида уч ойдан бери ишсиз юрганганимни, ишдан нотўғри бўшатишим оиламга қанчалик таъсир қилганини, оқибатда хотиним, ўғлим, қизим, отам, онам ва ўзим қанча даволанганим тўғрисидаги касаллик варақалари ва дори харажати-ни илова қилиб 5 миллион, жами 15 миллион маънавий зарарни ниҳоятда мунгли овозда гапирганимда залдан кимдир: "Шунақа ҳам бераҳмлик бўлади", деб йирлаб юборди.

Навбат ёш бошлиққа келди. Адвокат оғайним унинг ҳаракатини мазах қилиб, менга кўрсатмоқда.

— Жаноб судья, Алдар Қочарович ҳақиқатан жамоамизда ишлаган. Ўзининг илтимосига биноан лавозими қисқартирилган.

— Тўхмат, — деб бақирдим.

— Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида Алдар Қочарович икки ой олдин огоҳлантирилган.

— Ёлғон! — дея яна бақирдим.

Ёш бошлиқ кўзини пирпира-тиб, доддиратгандай сўзини давом

эттирди:

— Судья жаноблари, Алдар Қочарович ҳуқуқшунос ниқобидаги фирибгар, ниҳоятда алдоқчи одам. Бизга келишдан олдин банкда ишлаб, қанча зарар келтиргани тўғрисидаги маълумотни ҳавола этамиз.

Қонунга қўра, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти тўғрисида ходимга икки ой олдин имзо чектириб, ёзма равишда огоҳлантирилади. Бу киши қўл қўймаган. Ходимларимиз имзо чекишдан бош тортди, деб акт қилишган. Мана акт нусхаси.

Ёш бошлиқ, менга газабланиб қаради-ю, гапида давом этди:

— Ташкилотимиз тўғрисида ҳар хил ёлғон гапларни гапирди. Мана мутасадди органларнинг ташкилотимиз молиявий-ҳўжалик фаолияти тўғрисида ўтказилган текшириш маълумотлари ва чет эл аудит фирмасининг хулосаси. Яна оиласи тўғрисида ҳам гапирди. Ноинсоф, дунёдан ўтиб кетган ота-онасига қалбаки касаллик варақаси қилибди. Хотини билан қонуний ажрашмаган, лекин бирга яшамайди. Хотини ўтган уч ой ичида касалхонада даволанмаган. Мана ўзи тасдиқлаб ёзиб берди. Ўғли, қизи ҳақидаги маълумотлар ҳам ёлғон.

Ҳеч жойда ишламайман деди. Тегишли органларга мурожаат қилганимизда, Алдар Қочарович биздан ташқари иккита жойда ҳуқуқшунос, бош ҳуқуқшунос, ҳаттоки катта бир корхонада шартномалар бўйича директор лавозимида ишлаш маълум бўлди. Низоларни қонуний ҳал этадиган жойда қонуларимизни менсимасдан ёлғон гапириб, тўхмат билан ишнинг ҳал этмоқчи. Бунга чек қўйиш вақти келди. Ҳурматли судья жаноблари, бу кишининг қонун олдида жавоб беришини, қилмиши учун жавобгарликка тортилишини сўрайман.

Судда қатнашаётган прокурор ҳам уни қўллаб-қувватлади.

Вазият ўзгарди. Адвокатим суд қолдирилсин, деб таклиф киритди. Афсус, таклиф рад этилди.

Жуда ҳам нуқулай аҳволда эдим. Ҳатто адвокатим ҳам суд залида мени ҳимоя қилмаслигини айтганда кўз олдим қоронғулашди. Шу ерда фирибгарлик асқотди. Ўзимни полга ташладим-у, оғзимдан кўпик сачратиб инграй бошладим.

Кўзимни очсам, шифокорлар атрофимда гирдиқалалак. Хайрият деб ўйладим. Бирдангина уларнинг ёнида форма кийган йигит билан ёш бошлиқ пайдо бўлди.

Тамом...

Нур МУҲАММАД

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусалом КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ҳасан МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асадулло ҲУҶАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУХАМЕДОВ, Сунон НАҲБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтариб берилади. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❶

Реклама матнларининг тўғрисида тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета ҳафталиги жума кунини чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Тўрон" кўчаси, 41-уй.

G-1052 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адали: 12693 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслидин БҲРИЕВ. Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 226-61-85 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганча 226-37-16 Фарғонада 224-91-56 Қаршида 314-08-99